

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди
№ 102-Н
2016 йил

Ўзбекистон Республикаси Олий ва
Ўрта махсус таълим вазирлигининг
2016 йил “6” Август даги
137 - сонли буйруғи билан
таълиқланган.



“Маркетинг”

Йўналиши бўйича олий таълим муассасалари педагог кадрларини
кайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув дастури

Тошкент – 2016

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАХБАР КАДРЛАРИНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ ТАШКИЛ
ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ

*Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув дастури Олий ва ўрта
махус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар
фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгашининг
2016 йил август даги 2 - сонли байъномаси билан
маъқулланган.*

Тузувчилар:

“Олий таълимнинг норматив ҳуқуқий асослари”
модули: с.ф.д., проф. И.Эргашев, ю.ф.н., доц.
В.Тоилдиев.

“Илгор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат”
модули: п.ф.д., профессор Н.А.Муслимов, п.ф.н.
М.Т.Мирсолиева, п.ф.н. доц. М.Усманбаева, А.ИсANOVA.

“Таълим жараёнида ахборот-коммуникация
технологияларини қўллаш” модули: ф-м.ф.н. доцент
Х.Холмедов, ф-м.ф.н. доцент Д.Иргашева, катта ўқитувчи
В. Ҳамидов.

“Амалий хорижий тил” модули: Ўзбекистондаги
Британия Кенгашининг ётақчи мутахассислари, катта
ўқитувчи У. Гиясова.

“Тизимли тахлил ва қарор қабул қилиш асослари”
модули: с.ф.д., профессор С.Жўраев, пс.ф.н., Х.М.Алимов.
Махсус фанлар бўйича: Южи Сакавата. Япониянинг
Хоккайдо университети профессори.

Илчи гуруҳ: и.ф.д. У.У.Шарифходжаев, и.ф.д., профессор
Ш.Ж.Эргашходжаева, и.ф.н., доцент И.С.Хотамов.

Тақризчилар:

Ph.D. Ф.Каримов (WIUT),
Ph.D. М.Рахимов (WIUT).

Ўқув дастури Тошкент давлат иқтисодиёт университети Кенгашининг қарори билан
таслиққа тасвир қилинган (2016 йил _____ даги _____ -сонли байънома).

Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил
12 июлдаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта
тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-
тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сон Фармонидаги устувор йўналишлар
мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида
қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини
такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг
касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади.

Дастур мазмуни олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари ва
қонунчилик нормалари, илгор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат,
таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий
хорижий тил, тизимли тахлил ва қарор қабул қилиш асослари, махсус фанлар
негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқув
жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар,
педагогнинг касбий компетентлиги ва креативлиги, глобал Интернет тармоғи,
мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиш усулларини ўзлаштириш бўйича
билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутади.

Дастур доirasida берилган мазмуни билан таълим соҳаси бўйича педагог
кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг
тайёргарлигига қўйилган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида
шакллантирилган бўлиб, бу орқали олий таълим муассасалари педагог
кадрларининг соҳага оид замонавий таълим ва инновация технологиялари, илгор
хорижий тажрибалардан самарали фойдаланиш, ахборот-коммуникация
технологияларини ўқув жараёнига кенг татбиқ этиш, чет тилларини интенси
ўзлаштириш даражасини ошириш ҳисобига уларнинг касб маҳоратини, илмий
фаолиятини мунтазам юксалтириш, олий таълим муассасаларида ўқув-тарбия
жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришни тизимли тахлил қилиш, шунингдек,
педагогик вазиятларда оптимал қарорлар қабул қилиш билан боғлиқ
компетенцияларга эга бўлишлари таъминланади.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари
ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиққан ҳолда дастурда тингловчиларнинг
махсус фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига
қўйилган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув дастури қуйидаги
модулла мазмунини ўз ичига қамраб олади:

I. Олий таълимнинг норматив ҳуқуқий асослари

1.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривож
ва таълим-тарбия масалалари.

1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг қонунчилик нормалари.

II. Илгор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат

2.1. Инновацион таълим технологиялари ва педагогик компетентлик.

2.2. Иқтисодий фанларни ўқитишда замонавий таълим технологиялари.

III. Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш

- 3.1. Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини лойиҳалаш.
- 3.2. Маркетингда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари.

IV. Амалий хорижий тил

- 4.1. Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари.

V. Тизимли тахлил ва қарор қабул қилиш асослари

- 5.1. Олий таълим жараёнини бошқаришда тизимли тахлил ва қарор қабул қилиш технологиялари.
- 5.2. Маркетинг соҳасида тизимли тахлил асослари.

VI. Махсус фанлар

- 6.1. Маркетингни бошқариш.
- 6.2. Маркетинг тадқиқотлари.
- 6.3. Маркетингнинг долзарб муаммолари.

VII. Педагогик амалиёт

VIII. Малакавий аттестация

Курснинг мақсади ва вазифалари

Олий таълим муассасалари педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг мақсади педагог кадрларнинг ўқув-тарбиявий жараёنларни юксак илмий-методик даражада таъминлашлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини мунтазам янгилаш, малака талаблари, ўқув режа ва дастурлари асосида уларнинг касбий компетентлиги ва педагогик маҳоратини доимий ривожланишини таъминлашдан иборат.

Курснинг вазифаларига қуйидагилар кирadi:

- “Маркетинг” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини узлуксиз янгилаш ва ривожлантириш;
- замонавий талабларга мос ҳолда олий таълимнинг сифатини таъминлаш учун зарур бўлган педагогларнинг касбий компетентлик даражасини ошириш;
- педагог кадрлар томонидан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали ўзлаштирилишини таъминлаш;
- махсус фанлар соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илгор хорижий тажрибаларини ўзлаштириш;
- “Маркетинг” йўналишида ўқув жараёнини фан ва ишлаб чиқариш билан самарали интеграциясини таъминлашга қаратилган фаолиятни ташкил этиш.

Курс якунида тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар:

“Олий таълимнинг норматив ҳуқуқий асослари”, “Илгор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат”, “Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш”, “Амалий хорижий тил”, “Тизимли

тахлил ва қарор қабул қилиш асослари” модуллари бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талабалар тегишли таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлиги ҳамда компетентлигига қўйиладиган умумий малака талаблари билан белгиланади.

Махсус фанлар бўйича тингловчилар қуйидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

Тингловчи:

- маркетинг тизими ҳақида тушунча ва тармоқ маркетингларини;
- маркетингни бошқариш тизимининг таркибий қисмлари ва бошқарув жараёнини;
- стратегик ва тактик режалаштиришнинг маркетинг назоратини;
- маркетингда бозор конъюктурасини тадқиқ этиш ва прогноз этишни билиши лозим.

Тингловчи:

- маркетинг ахборотини бошқариш ва бозор талабини баҳолаш;
- истеъмолчиларни жалб этиш ва ушлаб туриш;
- инновацион товарларни янги бозорларга чиқариш дастурини ишлаб чиқиш;
- интернет орқали реклама қилиш, соғувни рағбатлантириш ва жамоатчилик билан алоқалар ўрнатиш;
- бозорни сегментлаш ва харидорларни табақаланиш даражасини тахлил қилиш;
- бозордаги тадқиқот даражаларини тахлил қилиш орқали корхонанинг стратегик жиҳатдан истиқболлаш каби **кўникмаларига** эга бўлиши лозим.

Тингловчи:

- маркетинг қарорларини қабул қилиш бўйича услубий қоидалар ва замонавий технологиялардан фойдаланиш;
- юқори технологик бозорларда маркетинг тадқиқотларини ўтказиш ва мазкур бозорни сегментлаш;
- инновацион стратегияларни ишлаб чиқиш ва уни амалиётга жорий этиш;
- SWOT, ABC, PEST тахлилларни амалга ошириш;
- ахборот йиғишда анкета услубидан фойдаланиш;
- режаларни ишлаб чиқишни ташкил қилиш ва маркетинг фаолияти назоратини амалга ошириш малакаларига эга бўлиши зарур.

Тингловчи:

- жаҳондаги ижтимоий-иқтисодий жараёнларни чуқур тахлил этиш ва олинган хулосаларни кенг жамоатчиликка тушунтириб бера олиш ҳамда иқтисодий соҳасида тайёрланаётган мутахассисларни ўқитиш жараёнига назария ва амалиётнинг узвий боғлиқлигини таъминлаш;
- маркетинг тахлиллари асосида корхоналар маркетинг стратегияси дастурларини ишлаб чиқиш;

- маркетингдаги инновацион технологияларни корхоналар фаолиятида қўллаш;
- товар ва хизматлар сотилишини кенгайтириш имкониятлари ва уни рақобатга бардош бера олиш усул ва йўлларини аниқлаш;
- иқтисодий-математик моделлардан фойдаланиш, математик моделлаштириш ва статистик усулларни қўллаш асосида маркетинг фаолиятини такомиллаштириш йўлларини излаш ва уларни амалиётга татбиқ қилиш **компетенциясига** эга бўлиши зарур.

Курс ҳажми

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси 288 соатни ташкил этади. Ўқув юкламаси ҳафтага 36 соат этиб белгиланган. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналиши бўйича таълим дастурларини тўлиқ ўзлаштирган ва Аттестациядан муваффақиятли ўтган курс тингловчиларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги ПФ-4732-сон Фармони 3-иловаси билан тасдиқланган давлат намунасидаги малака аттестати берилади.

«Маркетинг» йўналиши бўйича қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув модуллари ва уларнинг мазмуни

I. Олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари
1.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривожини ва таълим-тарбия масалалари.

Инсон онг ва тафаккурининг янгиланиши жамият ривожланишининг муҳим омили сифатида. Глобаллашув ва ижтимоий-маънавий ҳаётдаги ўзгаришлар тенденцияси ва истикболлари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт пировард максимиз”, “Юксак маънавият – енгилмас куч, “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида”, “Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодий-иқтисодий барқарор ривожлантириш йўлида”, “Ватанимизнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий максимиз”, “Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш- мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир”, “Она юртимиз бахти иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир” ва бошқа асарларида жамият ривожини ва таълим-тарбия масалаларининг ёритилиши.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган маърузаларида таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини модернизациялаш билан боғлиқ вазифаларнинг белгиланиши.

1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг қонунчилик нормалари.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тушунчаси ва турлари. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва амалга қилиш тартиби. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. “Таълим тўғрисида”ги Қонун. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг босқичлари ва асосий йўналишлари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1533-сон Қарори, 2012 йил 24 июлдаги “Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-4456-сон Фармони, 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сон Фармони ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги “Ўзлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида”ги 5-сон Қарори, 1998 йил 5 январдаги “Ўзлуксиз таълим тизимини дарсликлар ва ўқув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида”ги 4-сон Қарори, 2001 йил 16 августдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 343-сон Қарори, 2006 йил 10 февралдаги “Олий таълим муассасасига педагогларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш хусусидаги 20-сон Қарори, 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори, 2015 йил 10 январдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” 2001 йил 16 августдаги 343-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 3-сон Қарори, 2015 йил 20 августдаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 242-сон қарори ва бошқалар.

Давлат таълим стандартлари, ўқув режалари ва фан дастурлари тушунчаси ва уларга қўйилган талаблар. “Олий таълим муассасаларида талабалар билимининг назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида”ги Низом. “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари талабаларининг малакавий амалиёти тўғрисида”ги Низом. “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари битирувчиларининг якуний давлат аттестацияси тўғрисида”ги Низом. Олий таълим муассасаларида мустақил таълимни ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги Низом. “Магистратура тўғрисида”ги Низом. “Очик лекцияларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низом ва бошқа меъёрий ҳужжатлар. Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар бўйича хорижий тажриба.

II. Илгор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат

2.1. Инновацион таълим технологиялари ва педагогик компетентлик.

Олий таълим тизимини модернизациялашнинг устувор йўналишлари. Инновацион таълим технологияларининг моҳияти, турлари ва назарий асослари, инновацион жараёнларнинг кечиб боскичлари. Педагогик технологиянинг таснифи, қонуниятлари, тамойиллари ва мезонлари. Таълим-тарбия жараёнини технологиялаштириш асослари.

Олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини ташкил этишнинг инновацион шакл, метод ва воситалари.

Шахсга йўналтирилган таълим технологияларининг мазмуни, йўналишлари. Таълим олувчиларнинг билиш фаоллигини ошириш ва мустақил таълимни ташкил этиш асосидаги инновацион таълим технологиялари: амалий ўйинлар, муаммоли ўқитиш, интерфаол таълим, модулли-кредит тизими, blended learning (аралаш ўқитиш), case study (кейс стади), масофали ўқитиш, маҳорат дарслари, вебинар технологиялари, ассисмент методларидан ўқув-тарбия жараёнида фойдаланиш. Ўқув лойиҳаларини ишлаб чиқиш, портфолиоларни шакллантириш ва амалиётга татбиқ этиш.

Педагог касбий компетентлигининг тузилиши ва мазмуни. Педагогнинг психологик, методик, информацион, креатив, инновацион компетентлиги мазмун-моҳияти. Педагогик маҳорат асослари ва таркибий қисмлари. Ўқитувчининг коммуникатив компетентлиги, педагогик жараёнда мулоқот услубларини тўғри танлаш ва улардан самарали фойдаланиш. Педагогик деонтология. Нутк техникаси ва маданияти. Аудиторияда шахсларо муносабатларни самарали ташкил этиш ва гуруҳни оптимал бошқариш. Педагогик низоларни самарали ҳал этиш йўллари. Замонавий педагог имиджи ҳамда ўқитувчининг ўз-ўзини касбий ва шахсий такомиллаштириб бориши.

Креативлик - педагогик ижодкорликнинг асоси сифатида. Олий таълим педагог кадрларининг креатив потенциали тушунчаси ва моҳияти. Педагогларда креатив компетентликни шакллантиришнинг зарурий шарт-шароитлари, моделлари. Касбий фаолиятда позитив-фаол мотивация ва педагог кадрларнинг креатив потенциалини баҳолаш мезонлари. Таълимни ахборотлаштириш шартлида педагог кадрлар креатив имкониятларини баҳолаш мезони.

2.2. Иқтисодий фанларни ўқитишда замонавий таълим технологиялари.

Иқтисодиёт соҳасида кадрлар тайёрлаш тизими самардорлигини оширишга нисбатан технологик ёндашувнинг зарурлиги. Замонавий педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда таълим жараёнини ташкил этиш. Иқтисодий фанларни ўқитишда маълумотларни таркиблантириш, ўрганилаётган тушунчалар ўртасидаги алоқа ва алоқадорликни ўрнатишнинг метод ва воситалардан фойдаланиш. Иқтисодий фанларни ўқитишда маълумотларни таҳлил қилиш, солиштириш ва таққослашнинг метод ва воситаларидан фойдаланиш. Иқтисодий фанларни ўқитишда муаммони аниқлаш ва таҳлил қилиш. Иқтисодий фанларни ўқитишда муаммо вазибаларини режалаштириш.

Иқтисодиёт соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимида хорижий мамлакатлар илгор тажрибалари. Замонавий ёндашувлар. Европа ягона таълим муҳити (Болонья жараёни). Модулли таълим моҳияти. Модулли таълим тамойиллари. Модул блоклари.

Модулли-кредит тизими моҳияти. ECTS кредитлари. ECTSнинг асосий тамойиллари. ECTSнинг хусусиятлари. Кредитларни тақсимлаш ва ECTS ўқув режаларига ўтиш методикаси.

Ривожланган Европа давлатлари (Германия, Англия), Осиё мамлакатлари (Япония, Жанубий Корея) ва Америка Қўшма Штатлари каби давлатларнинг ўқув, ўқув-услубий, илмий-тадқиқот жараёнларини ташкил этиш ва амалда қўллаш бўйича тажрибаларини таълим тизимига тadbик этилиши.

Кейс-стади технологияси моҳияти, унинг яратилиш тарихи. Кейс-стади технологиясини умимий тавсифи ва уни таълим жараёнига татбиқ этишнинг дидактик аҳамияти. Кейс-стади технологиясини таълим жараёнига самарали татбиқ этиш шартлари. Кейс-стади технологиясининг таркибий тузилиши ҳамда ўзига хос дидактик хусусиятлари. Кейслар типологияси. Кейсларни яратиш методикаси.

Ўқув жараёнининг норматив-ҳуқуқий асослари (таълим стандартлари, ўқув режа, фан дастури ва локал ҳужжатлар) бўйича хорижий тажрибалар ва уларнинг қиёсий таҳлили.

III. Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш

3.1. Электрон педагогика ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини лойиҳалаш.

Педагогик жараёнда ахборот-коммуникация ва интерактив технологияларидан фойдаланиш. Таълимий Интернет ресурслари ва улардан ўқув жараёнида фойдаланиш. Интернет тармоғининг асосий хизматлари. Ziyonet.uz ва бошқа таълим порталлари ресурслари билан ишлаш. Интернет тармоғида педагогларнинг, талабаларнинг электрон мулоқот муҳитида жамоа бўлиб ишлаш шакллари. Блог, форум ва тематик чатларни ташкил этиш усуллари. Педагогларнинг тармоқдаги ҳамкорлиги.

Педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини ташкил этиш. Электрон портфолио тушунчаси, таркиби, мазмуни ва имкониятлари. Ахборот технологиялари воситасида педагогнинг электрон портфолиосини шакллантириш. Электрон ахборот-таълим муҳитида педагогик жараёни лойиҳалаштириш. Moodle дастури асосида ўқув ресурсларини яратиш.

Педагогик фаолиятда амалий дастурий воситалардан фойдаланиш, амалий дастурий воситалар ёрдамида электрон дарсликлар, тренажерлар, виртуал лаборатория машғулларини яратиш усуллари. Офис дастурларида электрон ўқув-методик материалларини яратиш усуллари (Microsoft Word, Excel, Power Point ва б.). Web 2.0/3.0 технологиялари ва уларнинг ёрдамида электрон дидактик материалларни яратиш ва ўқув-тарбия жараёнида қўллаш.

Педагогик фаолиятда амалий дастурий воситалар химоясини таъминлаш. Аутентификациялаш ёрдамида химоялаш. Химоялаш воситалари.

педагогик фаолиятда фойдаланиш техникаси. Педагогик тизим ва унинг тузулиши. Педагогик вазиятларнинг тизимли тахлилини амалга ошириш. Тизимли тахлилини амалга оширишнинг асосий босқичлари. Тизимли тахлилини амалга ошириш моделлари. Тизимли тахлилини амалга ошириш методлари. Тизимли тахлил натижаларини манба шаклига келтириш технологияси.

Қарор тушунчаси ва унинг асосий вазифалари. Қарор турлари ва уни қабул қилиш усуллари. Қарорларни тайёрлашга қўйиладиган талаблар. Қарор вариантларини тайёрлаш технологияси. Қарор қабул қилиш жараёни ва педагог шахси. Қарорларни қабул қилиш жараёнига таъсир кўрсатувчи асосий омиллар. Педагогик жараёни бошқаришда қарорлар (тезкор, тактик ва б.).

Қарор натижаларини баҳолашнинг экспертли ва прогностик методлари. Қарорлар самардорлигини баҳолаш мезонлари. Қабул қилинган қарорлар ижросини таъминлаш механизми.

5.2. Маркетингда тизимли тахлил асослари.

Маркетингни тизим сифатидаги хусусияти ва уни тизимли тахлил қилиш методологияси. Тизимли тахлил асосида олинган натижа ва хулосаларни илмий асослаб, оптимал қарор қабул қилиш. Иқтисодий соҳаларга мос объектларда маркетинг бўйича тизимли тахлил олиб бориш. Маркетингда тизимли тахлил натижасини қарор қабул қилишда фойдаланиш. Тизимли тахлил объектларини бўлақларга ажратиб, уларни ечишда самарали усулларни қўллаш. Маркетингда тизимли тахлил натижасида олинган натижаларни оптималлаштириш. Тизимли тахлил асосида талаб ва таклифни шакллантириш. Тизимли тахлил асосида корхонанинг маҳсулотига талаб даражасини прогноз қилиш.

VI. Махсус фанлар

6.1. Маркетингни бошқариш.

Корхонада маркетинг фаолиятини режалаштиришни бошқариш. Рақобатли ҳаракатларни бошқариш. Мақсадли бозорни танлаш. Бозор таклифини позициялаштириш. Корхона бозор таклифини табақалаштириш. Товар позицияси. Позициялаштириш – сегментлаш жараёнининг охириги босқичи сифатида. Позициялаштириш жараёни. Позициялаштириш – дифференциация стратегиясини амалга ошириш воситаси сифатида. Позициялаштириш жараёнини танлаш. Атрибутлар бўйича позициялаштириш. Устуңлик бўйича позициялаштириш. Рақобат бўйича позициялаштириш. Репозициялаштириш. Позициялаштириш стратегиясини амалга ошириш. Товарлар ва ассортиментини бошқариш. Нархларни бошқариш. Корхонанинг нарх сиёсати ва унинг мазмунини. Нарх сиёсатининг мақсадлари. Таксимот каналларини бошқариш. Маркетинг коммуникацияларини бошқариш. Корхона коммуникатив сиёсатининг мазмунини. Корхонада маркетингни бошқаришни ташкил этиш. Маркетинг тизимини яратиш. Корхонада маркетингни бошқаришни стратегия ва тактикаси. Корхонада маркетингни бошқариш стратегияси. Портфель тахлилдан фойдаланиш. Корхонада маркетингни бошқаришда стратегик матрицалардан фойдаланиш. Маркетингни бошқариш тактикаси.

3.2. Маркетингда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари.

Замонавий ахборот-коммуникация технологияларнинг янги авлодлари ва улардан маркетинг соҳасида фойдаланиш иқтидорлари.

Электрон таълим ресурслари ҳақида тушунча. Масофавий ўқитишда электрон таълим ресурсларини яратиш тамойиллари. Мультимедиа маърузалар категориялари. Муаллифлик дастурий таъминотларидан фойдаланган ҳолда электрон таълим ресурсларини яратиш.

Маркетинг фанларини масофали ўқитишнинг назарий ва дидактик асослари. Масофавий таълимни ташкил қилиш усуллари. Масофавий таълим жараёнини амалга ошириш босқичлари. Таълимда эркин ва очик кодли дастурий таъминотлар тахлили. LMS тизимларининг асосий функциялари. Оммавий онлайн очик курслар (Source, edX, Khan academy, MIT Open Course Ware).

Маркетинг хизмати ходимларининг истеъмолчилар билан муносабатларини ташкил этиш ва бошқариш (CRM), интернет инструментлари орқали товар ва хизматларни етказиш. Пиар қилиш инструментлари (Digital marketing and SMM), мобил воситалар, гаджетлар ёрдамида маркетингни ташкил этиш.

IV. Амалий хорижий тил

4.1. Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари.

Хорижий тилни ўқитиш ва ўрганишдаги ислохотлар. Тил бўйича Европа стандарти ва унинг талқини. Тил алоқа (коммуникация) воситаси сифатида ва тилга оид билим ва кўникмаларни шакллантириш усуллари. Тилни ўрганишда муваффақиятга эришиш шарт-шароитлари: касбий интерактив мулоқот муҳити, мулоқот клубларини ташкил этиш, ўзининг тил кўникмалари даражасини баҳолаш ва бошқ. Хорижий тилни ўрганишда грамматиканинг аҳамияти (грамматика ва лексика-В1-В2 оралиғида). Тил ўрганишда ўқитувчи ва ўргатувчиларни роли. Тил ўрганиш учун зарур ўқув-аудио, методик ва онлайн ресурслар. Тили ўрганилаётган мамлакат маданиятини билишнинг аҳамияти. Маданиятлараро мулоқот компетенцияси (ўзбек ва хорижий тилда сўзлашувчи халқлар маданияти, урф-одатлари, анъаналари ҳақида чет тилида гапира олиш).

Мулоқот мавзулари: кундалик ҳаётга оид (шахсий маълумот, оила ҳақида маълумот, бўш вақтни ўтказиш ва ҳоказо) ижтимоий ҳаётга доир, таълимга ва касбга йўналтирилган мавзулар.

Мутахассисликка оид матнларни ўқиш, уларни тушуна олиш, оғзаки баён эта олиш, ўз фани бўйича ўқув жараёнини ташкил этишда соҳага оид хорижий тилдаги атамалардан фойдаланиш.

V. Тизимли тахлил ва қарор қабул қилиш асослари

5.1. Олий таълим жараёнини бошқаришда тизимли тахлил ва қарор қабул қилиш технологиялари

Тизимли тахлил тушунчаси. Тизим ва тизимлар назарияси. Тизимли методология ва тизимли ёндашув. Тизимлар классификацияси. Тизим структураси. Тизимли тахлилнинг мақсади ва вазифалари. Тизимли тахлилдан

Педагогик амалиёт қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишлари ва мутахассисликларининг ўзига хослигидан келиб чиққан ҳолда олий таълим муассасаларининг тегишли профиль кафедраларида ташкил этилади.

Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар
Амалий машғулотларда тингловчилар ўқув модуллари доирасидаги ижодий топшириқлар, кейслар, ўқув лойиҳалари, технологик жараёнлар билан боғлиқ вазиятли масалалар асосида амалий ишларни бажардилар.
Амалий машғулотлар замонавий таълим услублари ва инновацион технологияларга асосланган ҳолда ўтказилади. Бундан ташқари, мустақил ҳолда ўқув ва илмий адабиётлардан, электрон ресурслардан, тарқатма материаллардан фойдаланиш тавсия этилади.

Мустақил таълим соатларни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни
Мустақил таълим тегишли ўқув модули бўйича ишлаб чиқилган топшириқлар асосида ташкил этилади ва унинг натижасида тингловчилар битирув ишини тайёрлайди.

Битирув иши талаблари доирасида ҳар бир тингловчи ўзи дарс бераётган фани бўйича электрон ўқув модулларининг тақдироти тайёрлайди.

Электрон ўқув модулларининг тақдироти куйидаги таркибий қисмлардан иборат бўлади:
кейслар банки;
мавузулар бўйича тақдиротлар;
бошқа материаллар (фанни ўзлаштиришга ёрдам берувчи қўшимча материаллар: электрон таълим ресурслари, маъруза матни, глоссарий, тест, кроссворд ва бошқ.)

Электрон ўқув модулларини тайёрлашда куйидагиларга алоҳида эътибор берилади:

- тавсия қилинган адабиётларни ўрганиш ва таҳлил этиш;
 - соҳа таракқиётининг устивор йўналишлари ва вазифаларини ёритиш;
 - мутахассислик фанларидаги инновациялардан ҳамда илгор хорижий тажрибалардан фойдаланиш.
- Шунингдек, мустақил таълим жараёнида тингловчи касбий фаолияти натижаларини ва талабалар учун яратилган ўқув-методик ресурсларини “Электрон потрфолио” тизмига киритиб бориши лозим.

Дастурнинг ахборот-методик таъминоти

Модулларни ўқитиш жараёнида ишлаб чиқилган ўқув-методик материаллар, тегишли соҳа бўйича илмий журналлар, Интернет ресурслари, мультимедиа маҳсулотлари ва бошқа электрон ва қоғоз вариантдаги манбаалардан фойдаланилади.

6.2. Маркетинг тадқиқотлари.
Маркетинг тадқиқотлари ўтказиш жараёнларини ташкил этиш ва режалаштириш. Маркетинг тадқиқотларини ўтказишда умумий босқичлар тавсифи. Маркетинг тадқиқотларини ўтказишнинг умумий жараёнлари. Маркетинг тадқиқотларини ўтказишда эҳтиёжларни аниқлаш. Маркетинг тадқиқотларининг асосий йўналишлари ва босқичлари. Маркетинг тадқиқотларининг асосий тушунчалари, максаллари ва масалалари. Маҳсус маркетинг тадқиқотларини ўтказиш. Бозор талабини тадқиқ қилиш. Корхонада йўналтирилган бозор стратегиясини ишлаб чиқишни тадқиқ қилиш. Бозор сегментацияси. Бозорни тадқиқ этиш ва харидорлар хулқ-атворлари ўрганиш. Маркетинг тадқиқотларида ахборот тизими. Маркетинг тадқиқотларини ўтказиш босқичларининг умумий тавсифи. Бозордаги рақобат муҳитини тадқиқ этиш. Рақобат муҳити, унинг аҳамияти ва унинг тадқиқ этишнинг зарурияти. Маркетинг тадқиқотларининг амалий масалалари. Маълумотларни сифатли таҳлил қилиш. Маълумотларни сонли таҳлил қилиш ва статистик усуллар. Маркетинг тадқиқотларида мотивация ва коммуникация. Маркетинг тадқиқотларини башорат қилиш. Маркетинг тадқиқотларида башорат қилишнинг умумий тавсифи. Бозор конъюнктураси ва унинг сигимини баҳолаш.

6.3. Маркетингнинг долзарб муаммолари.
Инновацион маркетинг - корхоналар самарадорлигини оширувчи восита сифатида. Инновацион маркетингнинг ўзига хос хусусиятлари. Маркетинг концепциясига янгица ёндошув. Янги товарни яратиш, баҳолаш ва жойлаштириш жараёни. Инновацион мотивлар. Инновацион мотивларга таъсир кўрсатувчи ички ва ташқи омиллар. Янги товар яратишнинг чизикли ва занжирли усуллари. Инновацион маҳсулотларга нисбатан нархнинг шаклланиши. Нарх шаклланиши ва унинг босқичлари. Инновацион маҳсулотлар нархи. Инновацион маркетинг тизимида брендинг назарияси концепцияси. Брендингга методологик ёндашув – корxonанинг рақобатли устуңлигини ривожлантиришнинг янги босқичи сифатида. Брендинг. Интернет маркетингнинг концептуал стратегик ривожланиш жиҳатлари – инновацион маркетингнинг таркибий қисми сифатида. Инновацион маркетинг технологияси. Маркетинг технологияларининг хусусиятлари ва усуллари. Инновациялар бозорига киришда маркетинг моделининг амалий жиҳатлари. Инновация бозорига киришда маркетинг моделининг тузулиши. Инновацион маҳсулотларни истеъмолчиларга етказиш бўйича қарор қабул қилиш. Инновацион маҳсулотларнинг силжитиш усуллари.

VII. Педагогик амалиёт

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида педагогик амалиёт очик маърузалар ва амалий машғулотлар ўтказиш, ўтилган дарсларнинг муҳокама қилиниши ва танқидий таҳлил этилишига асосланган ҳолда амалга оширилади.

Адабиётлар:

1. **Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари**
1. И.А.Каримов. Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон хаёғ пировард мақсадимиз, 8-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2000.
2. И.А.Каримов. Ватан равнақи учун хар биримиз маъсулмиз, 9-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2001.
3. И.А.Каримов. Юсак маънавият-енгилмас куч. Т.: “Маънавият”. – Т.: 2008. – 176 б.
4. И.А.Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш останада. – Т.: “Ўзбекистон”. 2011. – 440 б.
5. И.А.Каримов. Она юртимиз бахту икболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. “Ўзбекистон”, 2015. – 302 б.
6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Мамлакатимизни 2015-йилда иқтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи газетаси, 2016 йил, 16 январь.
2. **Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар**
 1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014.
 2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Таълим - тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизimini тубдан ислох қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида”ги 1997 йил 6 октябрдаги №1869-сонли Фармони.
 3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзлуксиз таълим тизimini учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида”ги 1998 йил 5 январдаги 5-сонли Қарори.
 4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзлуксиз таълим тизimini дарслиқлар ва ўқув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида”ги 1998 йил 5 январдаги 4-сонли Қарори.
 5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2001 йил 16 августдаги 343 - сонли Қарори.
 6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Олий ўқув юртлари талабаларига стипендиялар тўлаш тартиби ва миқдорлари тўғрисида”ги 2001 йил 17 августдаги 344 - сонли Қарори.
 7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 мартдаги “Нодавлат таълим муассасалари фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш тўғрисидаги 100-сонли Қарори.
 8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълим муассасасига педагоглари танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш тўғрисидаги 2006 йил 10 февралдаги 20-сонли Қарори.
 9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16-февралдаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш тизimini янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 25-сонли Қарори.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълим муассасалари талабалари ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисида”ги Низом тасдиқлаш хусусидаги 2010 йил 18 июндаги 118-сонли Қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Таълим муассасаларининг битиручиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2010 йил 28 июлдаги 4232-сонли Фармони.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим муассасаларининг молдий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2011 йил 20 майдаги 1533-сонли Қарори.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизimini янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 2012 йил 24 июлдаги 4456-сонли Фармони.
14. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизimini янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори.
15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўриндошлик асосида ҳамда бир неча касбда ва лавозимда ишлаш тартиби тўғрисида”ги Низомни 2012 йил 18 октябрдаги 297-сонли Қарори.
16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий педагогик кадрларни тайёрлаш аттестациядан ўтказиш тизimini такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги 2012 йил 28 декабрдаги 365-сонли Қарори.
17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 29 декабрдаги “Республика олий таълим муассасалари рейтингини баҳолаш тизimini жорий этиш тўғрисида”ги 371-сон Қарори.
18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 январдаги “Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” 2001 йил 16 августдаги 343-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 3-сонли Қарори.
19. 19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 2 мартдаги “Магистратура тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш тўғрисидаги 36-сонли Қарори.
20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизimini янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 4732-сон Фармони.
21. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 20 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ташкил этиш чора тадбирлари тўғрисида”ги 242-сонли Қарори.

Ш. Махус адабиётлар

1. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. – Т.: Молия, 2003. – 192 б.
2. Арипов М. Интернет ва электрон почта асослари. – Т.: 2000. – 218 б.
3. Исмаилов А.А., Жалалов Ж.Ж., Саггаров Т.К., Ибрагимходжаев И.И. Инглиз тили амалий курсидан ўқув-услубий мажмуа. Basic User/ Breakthrough Level A1/-T.: 2011. – 182 б.
4. Ишмухамедов Р., Абдукодилов А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2008. – 180 б.
5. Ишмухамедов Р., Абдукодилов А., Пардаев А. Тарбияда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2009. – 160 б.
6. Саггаров Э., Алимов Х. Бошқарув мулоқоти. – Т.: “Академия”, 2003. – 70 б.
7. Махмудов И.И. Бошқарув психологияси. – Т.: 2006. – 230 б.
8. Махмудов И.И. Бошқарув профессионализми: психологик таҳлил. – Т.: “Академия”, 2011. – 154 б.
9. Tay Vaughan. Multimedia: Making it Work.- USA: McGraw-Hill/Osborne Media, 2016.
10. Paul J. Ossenbruggen. Fundamental Principles of Systems Analysis and Decision-Making, I edition.- USA: Wiley, 1994
11. Andrew P. Sage, William B. Rouse. Economic Systems Analysis and Assessment: Intensive Systems, Organizations, and Enterprises.- USA: Wiley, 2011.
12. Marketing Research. Naresh Malhotra, Imad Baalbaki, Nada Beshwaty Apr 2013, Paperback, 936 pages.
13. Marketing Management. Philip Kotler, Kevin Keller, Mairead Brady, Malcolm Goodman, Torben Hansen Apr 2016, Hardback, 976 pages
14. Innovations in Educational Marketing: Transnational and Technological Strategies, Purnendu Tripathi (IGNOU, India) and Siran Mukerji (IGNOU, India) 2015.

IV. Электрон таълим ресурслари

1. www.gov.uz – Ўзбекистон Республикаси Давлат ҳокимияти портали.
2. www.edu.uz – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махус таълим вазирлиги.
3. www.press-service.uz – Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот хизмати расмий сайти.
4. www.mfeg.uz – Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо Вазирлигининг расмий сайти.
5. www.uza.uz – Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги расмий сайти.
6. www.cer.uz – Иқтисодий тадқиқотлар Марказининг расмий сайти.
7. www.uzreport.com – бизнес ахборотлари портали.
8. www.investopedia.com – таълим, молия, бозор таҳлили бўйича видео ва интернет материаллари.

“ИСТИЎДА ЧИҚҚАНГАН”:

Олий таълим тизимий педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг маънавиятини оширишнинг таъшиқ этиш бўлиги ағлий-методик маркази
Директор Ш. Бегимкулов
“ ” 201_ й.

“КЕЛИШИЛГАН”:

Олий ва ўрта махус таълим вазирлиги
Олий таълим муассасалари Бош бошқармаси

Бошқарма бошлиғи И.У. Маждидов
“ ” 201_ й.

М.Ў.

Тошкент давлат иқтисодий университетининг
Ректори Ш. Бегимкулов
“ ” 201_ й.



Тошкент давлат иқтисодий университети
Хузуридаги педагог кадрларини қайта тайёрлаш
ва уларнинг маънавиятини ошириш тармок
маркази

Директор Г.Н. Ахунова
“ ” 201_ й.

